



**РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Бабаджанов Абдирашид Мусаевич

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a50

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти”**

**Миллий тадқиқот университети и.ф.н., катта илмий ходими,
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси доценти**

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат қишлоқ ҳўжалигига сув тежовчи технологияларни жорий этишини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди ва рағбатлантириш муаммолари аниқланди. Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишини рағбатлантирадиган ташкилотлар ва илмий муассасалар, шунингдек, ушбу жараёнга жалб қилинган сув истеъмолчилари тадқиқот объектини ташкил қиласди. Тадқиқот натижасида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишини рағбатлантириш муаммосини ҳал қилишининг асосий ва деярли ягона ўналиши замонавий тадқиқотларга асосланган илмий ечимни олиш ва жорий этиши, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тадқиқ этиши асосида сувни тежайдиган янги технологияларни яратишдир.

Таянч сўзлар: қишлоқ ва сув ҳўжалиги, сувни тежайдиган технологиялар, илмий тадқиқот ишлари, илмий ишланмалар, рағбатлантириш, механизм, такомиллаштириши.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА СТИМУЛИРОВАНИЯ ВНЕДРЕНИЯ
ВОДОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ**

Бабаджанов Абдирашид Мусаевич

**кандидат экономических наук, старший научный сотрудник,
доцент кафедры «Бухгалтерский учет и аудит»**

**Национального исследовательского университета
«Ташкентского института инженеров ирригации и
механизации сельского хозяйства»**

Аннотация. В этой статье обсуждались вопросы дальнейшего усиления внедрения водосберегающих технологий в сельское хозяйство страны и были определены проблемы стимулирования. Организации и научные учреждения, поощряющие внедрение водосберегающих технологий в сельском хозяйстве, а также водопотребители, вовлеченные в этот процесс, составляют объект исследования. Основным и практически единственным направлением решения проблемы стимулирования внедрения водосберегающих технологий в результате исследований является получение и внедрение научного решения, основанного на современных исследованиях, а также создание новых водосберегающих технологий на основе исследований сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: сельское и водное хозяйство, водосберегающие технологии, научно-исследовательская работа, научные разработки, стимулирование, механизм, совершенствование.

IMPROVING THE MECHANISM OF STIMULATING THE INTRODUCTION OF WATER-SAVING TECHNOLOGIES IN REPUBLICAN REGIONS

Babadjanov Abdurashid Musayevich -

PhD in Economics, senior scientific researcher.

Associate professor of the Department of Accounting and Auditing.

National Research University “TIIAME”

Abstract. This article discussed issues of further strengthening the introduction of water-saving technologies into the country's agriculture and identified incentive problems. Organizations and scientific institutions that encourage the introduction of water-saving technologies in agriculture, as well as water consumers involved in this process, constitute the object of research. The main and almost the only way to solve the problem of stimulating the introduction of water-saving technologies as a result of research is to obtain and implement a scientific solution based on modern research, as well as the creation of new water-saving technologies based on research of agricultural products.

Keywords: agriculture and water management, water-saving technologies, scientific research work, scientific developments, incentives, mechanisms, improvements.

Кириш. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади мамлакат аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларини яхшилашдан иборат. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўлларидан бири қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-кувватлаш ва уни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали сув хўжалигини модернизация қилишга эришиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Сувни тежайдиган қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини қўллаб-кувватлаш, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқарувчилар учун қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни кенгайтириш, ўз худудларида сувни тежайдиган суғориш тизимлари ва уларнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак.

Давлат томонидан қўллаб-кувватлаш механизmlари замон талабларига мослаб борилаётганлиги сабабли ер майдонида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган майдонларни шакллантириди [1].

Республикада аҳоли сонининг ошиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсиши сув миқдорининг камайишига олиб келади. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, илмий тадқиқот йўналишлари ва унинг ечимларини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулотларни етиштириш учун сув ресурсларининг ўрни бекиёс бўлиб, улардан тежамили фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг асосий муамmosи ҳисобланади.

Мамлакатда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тартибга солиш сув хўжалиги тизимида илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишни рағбатлантиришга асосланган бўлиб, унда илмий натижалар сув таъминотини иқтисодий ривожлантиришнинг асосий манбай ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланиш механизmlарини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши-

лаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сув хўжалиги тармоғида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари иқтисодчи олимлар илмий изланишларида чуқур тадқиқ қилинган.

Россиялик олим О.Б.Позднякова шундай дейди: “Сув тежовчи технологияларни жорий этувчи сув истеъмолчиларига нисбатан қўлланиладиган рағбатлантиришнинг асосий турлари қўйидагилардан иборат: барча истеъмолчилар учун сувдан фойдаланишнинг барча турлари учун ҳақ тўлашнинг қатъий асосли стандартларини белгилаш, уни тежашга бўлган қизиқиши таъминлаш; сувни тежайдиган технологияларни жорий этувчи ва сув хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналарни имтиёзли кредитлаш” [2].

А.В.Цветков таъкидлаганидек, “Raғbatlanтириш роли умумий шаклда бошқарув тизимидағи қайта алоқа деворининг ёпилиши сифатида шакллантириш мумкин, бу лойиҳа иштирокчиларини лойиҳа натижаларига эришиш учун келишилган қўшма тадбирларни амалга оширишга ундаш имконини беради. Бунинг учун рағбатлантириш унга тайинланган вазифани бажариш, рағбатлантирувчи таъсиrlарни синтез қилиш бўйича қарор қабул қилиш қоидалари ва тартибларини ишлаб чиқиши зарур, бу рағбатлантириш механизmlари ҳисобланади” [3].

Ч.П.Хужагелдиев таъқидлашича, қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини оширишни рағбатлантириш учун маъмурий бошқарув ва бозор механизmlаридан оқилона нисбатларда фойдаланиш зарур [4].

Професор Т.Х.Фарманов фикрича, “Қишлоқ хўжалиги тармоқларида сувни тежайдиган технологияларни кенг миқёсда жорий этиш асосий ўрин тутади. Бироқ сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш янги молиялаштириш механизmidан фойдаланишни талаб қиласди” [5].

Аммо республика сув хўжалигига бозор муносабатларининг жорий қилиниши, қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизminи такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар етарлича тадқиқ этилмаган.

Бизнинг фикримизча, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш ва уни ўз эҳтиёжларига мос равища

ўзгариши, шунингдек, уни очиқ, шаффоф ва самарали рағбатлантириш воситасига айлантириш механизми даврий асосга эга, бу унинг миқдорий ва сифат хусусиятлариdir. Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларидағи номувофиқликлар ва фарқлар қанчалик катта бўлса, рағбатлантириш шунчалик самарали ишлайди.

Сув хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш амалдаги механизми бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Илмий тадқиқот ишлари соҳасида илмий мувофиқлаштириш тизимининг йўқлиги, шунингдек, илмий-инновацион фаолиятнинг етарли даражада молиялаштирилмаслиги, бу каби ихтисослаштирилган муассасаларнинг тарқоқлиги ва етарли эмаслиги сув хўжалиги соҳасида мақсадли тадқиқотлар натижаларини самарали жорий этиш ва инновацион фаолият юритишга имкон бермайди. Илмий тадқиқотларнинг ГИС технологиялари, муҳандислик ечимлари ва сув хўжалиги объектларини конструкциялаш, самарали материаллар ва сувни тежовчи суғориш тизимлари, фильтрацияга қарши тупроқ қопламалари, иқлим ўзгаришларига боғлиқ равишда сув истеъмоли алгоритмларини ишлаб чиқиш, сувнинг ҳисобини юритиш, сув хўжалиги секторидаги йирик ривожланиш лойиҳаларини илмий жиҳатдан амалга ошириш ва бошқа муҳим соҳалар етарлича оммалашмаган ва жорий қилинмаган. Бугунги кунда мамлакат “Олий таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизимида интеграция даражаси етарли эмас. Аксарият таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базалари маънан ва жисмонан янгиланиш ва модернизация қилишга муҳтож. Таълимнинг инновацион ва интерактив воситаларидан етарли даражада фойдаланилмайди. Профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий ва касбий салоҳиятини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш зарурати сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Мамлакат худудларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришда иқтисодий жиҳатдан самарали технологияларни қўллаш ва қўламини янада кенгайтириш, рағбатлантириш илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурлигини аниқ кўрсатади. Тадқиқотлар натижасида мавзуга асосланган хulosса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот жараёнида илмий билиш ва иқтисодий таҳлилнинг илмий усуллари кенг қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш муаммоларини ҳал қилиш усули қўйидаги натижаларга асосланади:

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни давлат томонидан рағбатлантириш механизми хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли ўзаро таъсирининг иқтисодий, ташкилий усуллари ва уларнинг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолиятини фаоллаштиришга таъсири [6]:

- олимлар, илмий ходимлар ва ишчиларнинг сув хўжалиги корхоналарида юқори сифатли хизматларни ҳамда илмий муассасалар тадқиқот натижаларини тақдим этишга ундаш учун мамлакат Меҳнат кодексига ҳақ тўлаш бўйича ўзгаришлар киритишни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантиришни иш ҳақи даражасида кўрсатиши лозим. Шунинг учун ҳам замонавий иқтисодий шарт-шароитларга максимал даражада мосланган тубдан янги ҳақ тўлаш тизимиға ўтишни талаб қилди. Бу рағбатлантириш бўлиб, унинг миқдори ходим ва ишчиларнинг иш фаолиятини баҳолашга боғлиқ ва индивидуал асосда жорий этилади;

- сув хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш, сув хўжалигида илмий ва инновацион салоҳиятни ривожлантириш, илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни жорий қилиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион ечимлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш тизимини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг муаллифларини рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологияси жорий этгани учун, янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхона хўжаликларида сув тежовчи технологияларни қўллаганлиги учун рағбатлантириш. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш технологияларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори даражали кўрсаткичларига эришиш. Қишлоқ хўжалигида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш асосида унинг иқтисо-

дий самарадорлигини ошириш йўналишлари. Қишлоқ хўжалигида рақобатбардош, сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариши рағбатлантириш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида сув тежовчи технологияларни қўллашнинг асосий йўналишларини рағбатлантириш;

– боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликлиди замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилини ҳисобга олган ҳолда мева маҳсулотлари турларини кўпайтириш, бозорларга тўғридан-тўғри кириб боришини таъминлаш, шунинг билан бирга, ишчи ва ходимларни рағбатлантириш;

– қишлоқ хўжалиги соҳасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган қатор тадбирлар маълум даражада ижобий натижалар келтирса-да, лекин соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий изланишлари билан боғлиқ малакасини ошириш етарли даражада таъминланмаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигини молиялаштириш даражасининг пасайиши, ишчиларнинг ойлик маошлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан пастлигидир. Мамлакат аграр соҳасини мутахассислар билан таъминлашда олий ўқув юртларининг ўрни алоҳида бўлиб, уларда олиб борилаётган таълим жараёнида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, инновацион ғояни доимий равишда жорий этадиган жойлардаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига малакали кадрларни жалб этиш лозим.

Иқтисодий ислоҳотлар шароитида аграр соҳа мутахассисларини тайёрлашда кўп йўналишили ва қиррали тизимни жорий этиш самарали усуллардан бири ҳисобланади. Аграр соҳа мутахассисларини рағбатлантириш қўйидагича: қишлоқ ва сув хўжалиги маҳсулотларини харид қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларини ҳал этиш учун ходимларнинг ўртacha сонига мутаносиб равишда рағбатлантириш; малакали мутахассислар, шунингдек, узоқ йиллар меҳнат қилган ишчи ва деҳқонларни коммунал тўловларни амалга ошириш учун фермер ва

дехқон хўжалиги ҳисобидан рағбатлантириш; бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацияларни жорий этишда маслаҳат хизмати ва ахборот таъминоти бўйича мутахассисларни рағбатлантириш; аграр соҳа субъектларининг хусусий маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигининг аниқ йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашни рағбатлантириш; турли ҳомийлар, жамғармалар, ташкилотлар ва банк кредитлари ҳисобидан ўсимликшунослик ва чорвачилик соҳасидаги мутахассисларни рағбатлантириш.

С.М.Вострикова фикрича, корхонани мавжуд энг яхши технологияларни жорий этишга рағбатлантириш усуслари, корхоналарни мавжуд бўлган энг яхши технологияларни жорий этишни тайёрлашга қаратилган қонунчиликдаги ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга [7].

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмини кенгайтириш мақсадида қўйидаги йўналишларни тавсия қилиш мумкин: сув таъминотини яхшилаш бўйича “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқотуниверситетида юқори малакали ёш тадқиқотчи олимлар мактабини ташкил қилиш, шунингдек, янги сувни тежайдиган технологиясини жорий қилганлик учун иқтисодий рағбатлантириш усулини жонлантириш; қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб, ёмғирлатиб, дискретли суғориш ва бошқа сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллашни рағбатлантириш механизмини кенгайтириш; сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тарғиб қилиш, эришилган натижаларга мувофиқ рағбатлантиришнинг айrim турларини аниқлаш ва уларнинг билимларини оширишни рағбатлантириш.

Рағбатлантириш тизими арzon ишчи кучининг рентабеллиги тўғрисида ишлаб чиқаришга асосланганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари иш ҳақини минималлаштириш орқали миллий иқтисодиётни саноатлаштиришга инвестициялар киритилади [8].

Қишлоқ хўжалигига тақдим этилган сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш манбаларини жамғармага йиғилган маблағдан маълум даражада фоиз ҳисобидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ ва сув хўжалиги илмий муассасаси олимлар ва илмий ходимларни рағбатлантириш, сувни тежайдиган технологиялар-

ни жорий этиш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини яхшилаш ва қўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган илмий ишланмаларни тарғиб қилишни таъминлайди.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш усули қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ишлаш кўрсаткичларини ошириш учун зарур, бу эса ўз навбатида, корхонанинг ҳар бир ходимининг самарадорлиги, шунингдек, меҳнат сифатини ошириш орқали эришиш мумкин.

Рағбатлантиришнинг кўп даврли шакли рағбатлантириш учун маҳсус меъёрий-хуқуқий базани ишлаб чиқишни талаб қилмайди, барча ишларни тенглаштиради, якуний натижалар, якунний мақсадларга эришишга қаратилган [9].

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизми ва уни амалга ошириш ҳар қандай ташкилотнинг асосий мақсади фойда олиш бўлса самарали бўлади.

Рағбатлантирувчи механизм тадқиқот натижасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу тизим қишлоқ хўжалиги тармоқларини шакллантирувчи омил сифатида рағбатлантиришни ҳисобга олиш асосида якуний натижага эришиш учун тадбирнинг барча иштирокчиларига мувофиқлаштирилган фаолиятни амалга ошириш имконини беради[10].

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни рағбатлантириш механизмини кенгайтириш ва тақомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча, сувни тежайдиган технологиялар технологик жараён сифатида талқин этилади, уни амалга ошириш барча турдаги ресурсларнинг энг кам харажатларига ва маҳсулот сифати даражасига, ишлаб чиқариш даври давомида меҳнат унумдорлигига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнинг энг кам таъсир кўрса-

тадиган технологик жараёнлар тўплами сифатида қаралади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш керакки, республикада қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ходимларнинг фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган доимий рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириши зарур.

Иқтисодий ислоҳотлар шароитида қишлоқ ва сув хўжалиги барқарор фаолият юритишида сувни тежайдиган янги технологияларни жорий этиш катта муваффақиятларга олиб келади. Қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилди:

- якуний маҳсулотларда инновацион ғоялар ва билимларни амалга ошириш ва уларни корхонанинг амалий фаолиятига татбиқ этиш учун зарур молиявий ресурсларни олиш ўртасидаги муносабатларнинг сифати, технологик жараёнларни тезлаштириш, натижадорлиги, самарадорлигини оширишда илмий ходимларни рағбатлантириш;

- сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқарув ва назорат функцияларини малакали амалга оширишда корхона мутахассислари фаолиятини рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва қўллаш, фойда олиш, юқори рейтинг кўрсаткичлари, корхона ходимларини янгича ёндашувларда рағбатлантириш;

- сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни рағбатлантириш маҳсулот рақобатбардошлиги, янги ва такомиллаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, интеллектуал фаолият ва фан-техника тараққиётни оширади ҳамда соҳани ривожлантириш стратегиясида белгиланган талабларни тўғри бајаришга имкон беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартағи "Қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-144-сонли қарори. // Халқ сўзи. 2022 йил 2 март.
2. Позднякова О.Б. О единой системе стимулирования водосбережения в бассейне реки. Материалы Всероссийской научно-практической конференции «Управление устойчивым водопользованием». – Екатеринбург, 2007. С. 150-151.
3. Цветков А.В. Стимулирование в управлении проектами. // ООО "НИЦ" "АПОС-ТРОФ" Журнал. – М., 2001. – 143 с.

4. Хужагедиев Ч.П. (2013) Стимулирование повышения плодородия земли в Узбекистане с учетом мирового опыта. / Ч. П. Хужагедиев. Текст: непосредственный. // Актуальные вопросы экономических наук: материалы II Междунар. науч. конф. Т.О. Уфа: Лето. С. 104-106. URL: <https://moluch.ru/conf/econ/archive/76/3568/>
5. Фарманов Т.Х. Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишини рағбатлантириш. "Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. – Т., 2012. 57-58-б.
6. Баранова О.А., Тусков А.А. Система государственного стимулирования инновационной деятельности в АПК. // Журнал. Современные проблемы науки и образования. – М., 2012. № 6. С. 16.
7. Вострикова С.М. Современные методы стимулирования предприятия внедрения экологически чистых технологий производства. Московский авиационный институт (Национальный исследовательский университет) «МАИ». // Журнал. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – М., 2015. №12-6. С. 50-53.
8. Самоукина Н.В. Стимулирование персонала как проблема. // Журнал. Управление Персоналом. – М., 2004. № 7. С. 12.
9. Рейчел Шеклтон. Стимулирование меняющийся подход. // Журнал. Персонал Микс. – М., 2001. № 5. С. 38.
10. Бабаджанов А. Аграр соҳа илмий муассасаларини рағбатлантириш. // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. – Т., 2010. № 2. 24-б.



MINTAQAVIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INSON KAPITALINI TADQIQ QILISHDAGI YONDASHUVLAR

Ruzmetova Gulira'no Atabekovna
Urganch davlat universiteti
mustaqil izlanuvchisi

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a51

Annotatsiya. Inson kapitali butun dunyo taraqqiyoti bilan bir vaqtida fan, ta'lif va ishlab chiqarish integratsiyasini ta'minlab, raqamli inqilob paydo bo'lshining asosiy sababiga aylandi. Endi xalqaro maydonda raqobatbardoshlikni ta'minlash uchun iqtisodiy jihatdan rivojlanmoqchi bo'lgan har bir davlat inson resurslariga e'tiborni kuchaytirishi kerak. Mahalliy va xorijiy olimlar inson kapitalini tadqiq etish masalalariga katta e'tibor berishadi. Shunga asoslanib, maqolada inson kapitalini tadqiq qilishning nazariy yondashuvlari va tendensiyalari tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: mintaqqa, iqtisodiyot, mintaqaviy iqtisodiyot, inson kapitali, intellektual, aktivlar, iqtisodiy farovonlik.

ПОДХОДЫ К ИССЛЕДОВАНИЮ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Рузметова Гулирано Атабековна
независимый исследователь
Ургенчского государственного университета

Аннотация. Человеческий капитал стал основной причиной возникновения цифровой революции, обеспечив интеграцию науки, образования и производства в то же время, когда проходит период развития всего мира. Теперь каждая страна, которая хочет развиваться экономически, чтобы обеспечить конкурентоспособность на международной арене, должна уделять больше внимания человеческим ресурсам. Местные и зарубежные ученые уделяют большое внимание вопросам исследования человеческого капитала. На основе этого в статье проанализированы теоретические подходы и тенденции исследования человеческого капитала.

Ключевые слова: регион, экономика, региональная экономика, человеческий капитал, интеллектуальный, активы, экономическое благополучие.